

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚАРЛИБАЕВ МАҚСЕТ АБДИБАЕВИЧ**

**XVIII-XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚЛАРДА ИСЛОМ:  
ТАРИХИЙ, ИЖТИМОЙ, ЭТНИК ВА ГЕНЕАЛОГИК КОНТЕКСТЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи; 07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора исторических наук (DSc)  
Contents of abstract dissertation of the Doctor of Historical Sciences (DSc)**

**Карлибаев Максет Абдибаевич**

XVIII-XX аср бошларида қорақалпоқларда ислом: тарихий, ижтимоий, этник  
ва генеалогик контекстлар ..... 3

**Карлыбаев Максет Абдибаевич**

Ислам у каракалпаков в XVIII – нач. XX вв: исторические, социальные,  
этнические и генеалогические контексты ..... 31

**Karlibaev Makset Abdibayevich**

Islam among the Karakalpaks in the 18<sup>th</sup> - beginning of the 20<sup>th</sup> centuries:  
historical, social, ethnic and genealogical contexts ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 68**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019. Tar.20.05  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ҚАРЛИБАЕВ МАҚСЕТ АБДИБАЕВИЧ**

**XVIII-XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҚЛАРДА ИСЛОМ:  
ТАРИХИЙ, ИЖТИМОЙ, ЭТНИК ВА ГЕНЕАЛОГИК КОНТЕКСТЛАР**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи; 07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.DSc/Tar11 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))да жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Камалов Сабыр Камалович**

тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА академиги.

**Бабаджанов Бахтияр Мираимович**

тарих фанлари доктори

**Рамий оппонет:**

**Алимова Дилором Агзамовна**

тарих фанлари доктори, профессор

**Давлетов Санжар Ражабович**

тарих фанлари доктори, профессор

**Бекназаров Раҳым Ағибаевич**

тарих фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Tar.20.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230100, Нукус ш., Ч.Абдиров кўчаси, №1. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: [karsu.info@gmail.ru](mailto:karsu.info@gmail.ru).)

Докторлик диссертацияси билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№\_\_\_\_\_рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230100. Нукус ш., Ч.Абдиров кўчаси, №1. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Р.Б.Баллиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Х.М.Отегенов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори, PhD

**Б.А.Кошанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон диншунослик фани худди К.Густав Юнг: «халқ тарихидан чуқур томир урган ҳар бир дин шу билан бирга, унинг психологияси ва тарихининг ифодасидир», халқнинг диний тажрибаси кўпинча асрлар давомида давом этади<sup>1</sup> - дея таъкидлаганидек, динни жамоавий хотира ва жамоат этикаси нормаларининг бир қисми деб ҳисоблайди. Шу сабабли, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган шиддатли глобализация жараёнлари шароитида тарихий билимларга таянувчи этномаданий ўзига хосликни сақлаб қолиш долзарб ҳисобланади.

Жаҳон фанида ислом динининг турли жиҳатларини, унинг замонавий дунё билан алоқаларини ўрганиш билан боғлиқ турли хил назарий ва амалий тадқиқотлар ривожланди, бунда ислом жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, тарихий жараённинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилишда давом этаётган жуда кўп ўткир ва мунозарали муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири "бидъат" ёки диндан узоқлашиш сифатида қараладиган "халқ исломи"га муносабатдир. Бундай баҳо бериш эса ноакадемик ва қисман сиёсийлашган тусга эга ва "халқ исломи"нинг Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихидаги муҳим ролини инобатга олмайди. Айнан шу сабаб диннинг маҳаллий шакллари академик, яъни илмий тадқиқ қилишнинг долзарблиги ортади.

Марказий Осиё минтақасида диний сиёсат стратегиялари доирасида "халқ исломи"ни ўрганиш ва рағбатлантириш анча рационал иш саналади, зеро у асрлар давомида маънавият ва ўзига хос миллий маданиятни асраб-авайлашнинг ўзига хос нишасига айланди, табиий равишда ижтимоий, сиёсий конформизм ва этник бағрикенгликни намоёйиш этди.

Қорақалпоқларда ислом тарихи масалалари фрагментар ўрганилган, махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Яқин ўтмишга доир бу мавзуга алоқадор маҳаллий адабиётларда ғоявий конъюнктуранинг таъсири билиниб келди. Мавзуга муносабат, ёндашувлар ва баҳолалардаги муаммолар исломнинг қорақалпоқлар тарихидаги роли ва ўрнини ноакадемик талқин қилинишига олиб келди. Қолаверса, манбашунослик каби муҳим илмий йўналиш Қорақалпоғистонда ривожланмаганлигича қолиб келмоқда. Янги Ўзбекистоннинг кейинги йиллардаги тараққиёт даврида давлатимиз раҳбарининг шахсий ташаббуси билан тарихга ҳолисона муносабатда бўлиш, утмишнинг илмий қайта баҳоланишига ва натижада диннинг жамиятдаги ўрнига бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Бу борада давлатимиз президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>2</sup> ва Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"<sup>3</sup> қарорларида айтилган

<sup>1</sup> Юнг К.Г. Архетип и Символ. – М.: Наука, 1991. – С.184.

<sup>2</sup> <https://lex.uz/uz/docs/3600059>;

<sup>3</sup> <https://lex.uz/uz/docs/4873152>

вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Булар мамлакатимизда ислом тарихи ва бугунги ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни бевосита рағбатлантиришга қаратилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборот жамияти ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи.** Ислом муаммолари, унинг дунё халқлари, жумладан, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги ролини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, College de France, Монде Ираниен (France), University of Humboldt, Free University, University of Halle-Wittenberg (Germany), University of Indiana (USA), Этнология ва антропология институти, Шарқшунослик институти (Россия), Тарих ва этнология институти (Қозоғистон), шунингдек, Тарих институти (Ўзбекистон)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ислом динининг дунё аҳолиси ҳаётида тутган ўрни, ислом динининг Европа, Африка ва Осиё давлатларида тарқалиши, марказий Осиё халқларининг исломни ягона дин сифатида қабул қилиш даври, исломнинг Мовароуннаҳр халқлари ҳаётидаги ўрнини илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: Евроосиёда этногенез, халқлар этномаданий қиёфаси, замонавий этник жараёнлар, тарихий-маданий ўзаро алоқадорликни комплекс ўрганиш дастури доирасида дин антропологияси (Россия ФА Этнология ва антропология институти); Ўрта Осиёда муқаддас қадамжолар култи, зиёрат масалалари (University of Humboldt, Berlin) илмий мавзу сифатида ўрганилди; Блумингтондаги Индиана университетида (АҚШ) Марказий Осиёдаги сўфийлик тарихи мавзусида илмий асарлар нашр қилинган; Марказий Осиёда ислом дини, сўфийлик анъаналари ва бошқа масалалар Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Ч.Валихонов номидаги Тарих ва этнология институтининг илмий муаммо сифатида изланишлар олиб борган.

Шарқ халқларининг араб ёзувидаги ёзма мероси, бошқа хорижий мамлакатлардаги, хусусан Нукус коллекциялари (Россия ФА Шарқшунослик институти); Монде Ираниен институти томонидан Нукус ўлкашунослик музейи қўлёзмалар каталоги (2007) устида ишлар олиб борилди; Берлиндаги Гумболдт университетининг Осиё ва Африка тадқиқотлари институти, Эркин университетнинг Исломшунослик институтида, Халле-Заале университетларида жаҳон ислом маданияти ёдгорликлари, жумладан Шайбонийлар даврига оид эпиграфик ёдгорликлар тадқиқ қилинди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга қадар тадқиқ этилаётган мавзу бўйича ишларнинг олдиндан таҳлили шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистонда ислом тарихининг кўплаб жиҳатлари (тарқалиши,

эволюцияси, ибодат, топиниш, сигиниш ва у билан боғлиқ диний маросимлар (культ), ёзма ёдгорликлар, маросимлар ва бошқа масалалар) бир-биридан ажратилган тарзда, тартибсиз, халқаро назариялар ютуқларидан фойдаланилмаган ҳолда ўрганилган бўлиб, бу борада тадқиқини кутаётган муаммолар мавжуд.

Айнан шунинг учун диссертацияда тадқиқотнинг географик доираси чегараларидан чиққан ҳолда олдин бажарилган ишларга, жумладан, уларни ўрганиш тадқиқотни керакли маълумотлар билан бойитадиган, ёндашув ва усулларни шакллантиришга ёрдам берадиган академик адабиётларга таянилди. Мавзу бўйича кенгайтирилган библиографик таҳлил амалга оширилди. Библиографик таҳлилда тадқиқотнинг географик доирасидан ташқарида бажарилган илмий ишларга, академик адабиётларга асосланилди ва бу тадқиқотимизни зарур маълумотлар билан бойитди. Хусусан, тадқиқотга тарих, диншунослик, социология, ислом ҳуқуқи (фикҳ, ҳужжатлар) бўйича нашрлар жалб қилинган. Биз таҳлилий шарҳда ислом динининг Марказий Осиё халқлари тарихида ўзига хослиги, институциялари, фольклори ва бошқа материалларни акс этувчи энг салмоқли нашрлар билан чегараланишга қарор қилдик. Шунга мувофиқ библиографик маълумотларни гуруҳлаб чиқдик. Методологик масалалар ва адабийетлар таҳлили натижалари диссертациянинг биринчи бобида келтирилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА) фондлари маълумотлари, Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Фундаментал кутубхонаси Қўлёзмалар фонди (ЎзР ФА ҚБФК ҚФ) манбаларидан фойдаланилган. Муаллиф томонидан археографик экспедициялар даврида аниқланган қатор ёзма манбалар илмий муомалага киритилган.

Манбавий материал сифатида қорақалпоқ фольклори асарлари (афсона ва ривоятлар, эпослар), тадқиқ этилаётган давр шоирлари ижоди намуналари жалб этилган чунки исломлаштириш жараёни ўз даврида халқнинг моддий ва номоддий маданиятида акс этиб келган, ва ахборот материали сифатида фойдаланилган. Муаллиф шоирлар, жирова-бахшилар ўзларини яшаб турган воқеъликни акс эттирувчилари ва маданиятини намоён этувчиси, деган фикр асосида ёндашилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ФА-Ф8-006 – “Замонавий Қорақалпоғистонда жамият ва ислом: тарихий этнологик тадқиқотлар” (2007-2011); ФА-Ф1-Г001 – “Қорақалпоғистон дунё маданияти контекстида. Тарихий перспективада Қуйи Амударёда шаҳар ва шаҳар маданияти” (2012-2016); ФА-А1-Г004 – “Қорақалпоқлар тасаввурида аёл сиймоси: этнологик тадқиқот” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ислом дини ва диний муассасаларнинг қорақалпоқларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ўрни, ижтимоий коммуникациянинг тарихий шакллари таъсири ҳамда индивидуумларнинг

хулқ-атвори, эътиқоди ва маросимий танловларининг кундалик моделларини шакллантирувчи ижтимоий ва конфессионал омилларини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ислом тарихи бўйича ёзма манбалар: қўлёзмалар, ҳужжатлар, насабнома (шажара қайдномалари), диний ташаббуслар ҳужжатларини (мас. *иршаднома*) йиғиш учун дала экспедицион тадқиқотлари ташкил этиш;

тадқиқот йўналишлари ва методологиясини аниқлаш учун Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда ислом динига оид нашр этилган материалларни библиографик қидирув ва уларни таҳлил қилиш;

замонавий таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда ишга жалб қилинган материалларни танқидий баҳолаш ва шу асосда тарихий, ҳуқуқий (ҳужжатлар олинганда) ва текстологик таҳлилни ўтказиш;

фольклор (этнографик) материалларида ўз аксини топган, тадқиқ этилаётган даврда яшаган диний уламолар (дин пешволари, халқ қахрамонлари) ҳақидаги оғзаки маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

мустамлакачи ҳукуматнинг исломга ва мусулмонларга муносабати, шунингдек, рус империясининг глобал сиёсати стратегиясини тадқиқ қилиш;

ислом таълими, культ ва жамоавий маросимларнинг кўзга кўринган (моддий) манбалари сифатида олиб қаралган диний институтлар (мадраса, масжидлар, қадамжолар / мемориал мажмуалар)нинг диний ҳаётнинг муҳим жиҳатлари сифатида бажарган функцияларини аниқлаш;

қорақалпоқларнинг муқаддас қадамжолар культининг ўзига хос жиҳатларини даврий (цикли) ва кундалик маросим шакллари сифатида очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида диний муассасалар, маросимлар, тасаввурлар ҳамда ибодат, сиғиниш ва улар билан боғлиқ диний маросимлар, диний ва таълим муассасалари, уларда фаолият юритувчилар (культ хизматчилари), қорақалпоқ халқининг ёзма ва оғзаки (фольклор, адабий) мероси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қорақалпоғистонда ислом, унинг тарихий, этномаданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланиш жараёнида намоён бўлиши, диний тасаввурлар, маросимлар, фольклор матнлари ва нарративлар, “халқ исломи” ёки “кундалик ислом” тарзида тўғри номланмаган реликтлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотини олиб боришда тарихийлик, холислик, танқидий ёндашув тамойилларидан, “конструктивизм” каби усулларида фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ислом динининг XVIII-XX аср бошларида руҳонийлар вакилларини жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга сафарбар этган, жамиятнинг маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсата олган фаол ижтимоий куч сифатида халқнинг анъанавий муносабатларини сиқиб

чиқармасдан, унинг ягона идентиклигини сақлашда муҳим аҳамият касб этганлиги очиб берилган;

қорақалпоқларда ислом маданиятининг тарқалиши ва мустақамланишида археографик экспедиция материаллари, араб имлосидаги қўлёзмалар ва қадим китоблар коллекциялари каби китобий мероснинг халқ ёзма маданиятининг ривожланишидаги, саводхонликнинг тарқалишидаги ижобий роли, халқ ёзма адабиётининг, унинг вариативлиги, этнофольклор ривоятлар ва мумтоз ислом китобий анъаналарининг ўзаро уйғунлашганлиги кўрсатиб берилган;

қорақалпоқларда XVIII - XX аср бошларида масжид, мадраса, мазор каби диний муассасаларнинг пайдо бўлиш жараёнида муҳим ўрин тутган персоналия, раҳнамолик, ҳомийлик сингари омиллар очиб берилган;

қорақалпоқларнинг диний (культ) иншоотлари (уйшик, девор, сағана, гумбаз)нинг қурилишида қўлланилган маҳаллий меъморий хусусиятлар исломгача бўлган ва исломий анъаналари синтези намуналари асосида шаклланиганлиги далилланган;

қорақалпоқлар орасида эшонлар ижтимоий тармоқларининг, маънавий-маърифий марказларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият диний ахлоқининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон тарихининг дин билан боғлиқ соҳаси конкретлаштирилди, мавжуд ўқув қўлланмаларига тегишли тузатишлар ва қўшимчалар сифатида фойдаланилди;

Қорақалпоғистонда ва умуман Ўзбекистонда диний сиёсатни такомиллаштиришга йўналтирилган таҳлилий ҳужжатлар тайёрлашда амалий аҳамиятга эга, шунингдек, янги стратегик йўналишларни (Маърифий ислом, бағрикенгликнинг ўзига хос жиҳатлари ва ҳ.) аниқ мазмун билан тўлдирилди;

Қорақалпоғистон тарихи бўйича махсус курслар ўтказишда, гидлар фаолиятида, айниқса ички (зиёрат) туризм соҳасида фойдаланилмоқда;

қорақалпоқларнинг бошқа ҳудудлар ва халқлар билан маданий алоқаларига, биринчи навбатда, диний муносабатларига янгича қараш имконини берадиган эмпирик материал шаклланди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий хулосаларнинг бирламчи (оғзаки, қўлёзма) манбаларга асосланганлиги, тадқиқотда жаҳон тарих фанида тан олинган ёндашувлар ва усуллардан фойдаланилганлиги, ислом тарихига доир илмий адабиётлар таҳлили, архив ҳужжатлари ёзма манбалар, дала қайдномалари ва меъморчилик ёдгорликлари маълумотларига мутаносиб жалб этилганлиги, олинган натижаларнинг республика ва халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида ва ОАК томонидан тавсия этилган журналлар ва халқаро нашрларда чоп этилганлиги белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда Қорақалпоғистон тарихининг энг кам ўрганилган ислом институтлари билан боғлиқ саҳифаларининг илмий реконструкцияси амалга оширилганлиги, ислом динининг унга эътиқод қилувчиларнинг маданий-конфессионал кодларини акс эттириб

келганлигининг аниқланганлиги, ислом динининг маҳаллий шакллари хусусиятлари очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур ишнинг дин соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш билан шуғулланадиган муассасалари мутахассислари учун манба бўлиб хизмат қилиши, ишдаги факт, илмий натижа ва хулосалардан тарихий асарлар ёзиш, ўқув дастурларини тузиш, олий ўқув юртлари гуманитар факультетлари талабаларига махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XVIII – XX аср бошларида қорақалпоқларда ислом: тарихий, ижтимоий, этник ва генеалогик контекстлар мавзусида олинган илмий натижалар асосида:

ислом динининг XVIII-XX аср бошларида руҳонийлар вакилларини жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга сафарбар этган, жамиятнинг маънавий ҳаётига жиддий таъсир кўрсата олган фаол ижтимоий куч сифатида халқнинг анъанавий муносабатларини сиқиб чиқармасдан, унинг ягона идентиклигини сақлашда муҳим аҳамият касб этганлигига оид натижаларидан ПЗ-20170915198 - “Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий кўрсатмалар трансформацияси: тарих ва амалиёт” амалий лойиҳасининг “XX аср бошларида қорақалпоқ жамиятининг анъанавий кадриятлари ва дунёни идрок этиши”, “XX аср охири – XXI аср бошларида қорақалпоқ жамиятида ижтимоий-тарихий амалиёт ва оламни этномаданий ҳис этиш” каби параграфларини ёзишда фойдаланилган (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 7 августдаги 226/1-сон маълумотномаси). Натижада, жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий асосларининг тарихий-маданий контекстини англаш имкониятини берган;

қорақалпоқлар ислом маданиятининг тарқалиши ва мустаҳкамланишида археографик экспедиция материаллари, араб имлосидаги қўлёзмалар ва қадим китоблар коллекциялари каби китобий мероснинг халқ ёзма маданиятининг ривожланишидаги, саводхонликнинг тарқалишидаги ижобий роли, халқ ёзма адабиётининг, унинг вариативлиги, этнофольклор ривоятлар ва мумтоз ислом китобий анъаналарининг ўзаро уйғунлашганлиги юзасидаги натижаларидан ПЗ-20170915198 - “Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий кўрсатмалар трансформацияси: тарих ва амалиёт” амалий лойиҳасининг “XX аср бошларида қорақалпоқ жамиятининг анъанавий кадриятлари ва дунёни идрок этиши”, “XX аср охири – XXI аср бошларида қорақалпоқ жамиятида ижтимоий-тарихий амалиёт ва оламни этномаданий ҳис этиш” каби параграфларини ёзишда фойдаланилган (ЎзР ФА ҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 7 августдаги 226/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқлар орасида ёзма мерос, унинг этнофольклор вариативлиги (ривоятлар ва классик адабий асарлар), уларда ўз давридаги маданий контекст тўғрисида тасаввур шакллантирилган;

қорақалпоқлар диний (культ) иншоотлари (уйшик, девор, сағана, гумбаз)нинг қурилишида қўлланилган маҳаллий меъморий хусусиятлар

исломгача бўлган ва исломий анъаналари синтези намуналари асосида шаклланганлигига оид янгиликдан Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси кинодастурлари бош таҳририяти томонидан ташкил этилган “Султон Вайс бобо” ҳужжатли фильмини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 8 августдаги 01-02/427-сон маълумотномаси). Илмий натижалар татбиқи Республика телеканалда моддий-маданий меросни тарғиб этишда, ҳудудда ички (зиёрат) туризмнинг ривожланишида амалий аҳамият касб этган;

қорақалпоқларда XVIII - XX аср бошларида масжид, мадраса, мазор каби диний муассасаларнинг пайдо бўлиш жараёнида муҳим ўрин тутган персоналия, раҳнамолик, ҳомийлик сингари омилларга оид хулосалардан “Эшон қалъа” тарихий-маданий мажмуасига асос солинган сананинг аниқланиши ва бошқа тарихий-таҳлилий хулосалар асосида Кегейли туманидаги “Эшон қалъа” тарихий-маданий мажмуаси халқаро туристик йўналиш харитасига киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Спорт ва туризм бўйича бош бошқармасининг 2021 йил 6 сентябрдаги 02-11/04-676-сон маълумотномаси). Бу халқнинг моддий-маданий меросини сақлаш ва ундан тарғиб қилиш мақсадида фойдаланиш имконини берган;

қорақалпоқлар орасида эшонлар ижтимоий тармоқларининг, маънавий-маърифий марказларининг пайдо бўлиши ва ривожланишида жамият диний ахлоқининг муҳим аҳамият касб этганлиги тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston tarixi» каналида «Қорақалпоқ диёри», «Мозийдан садо» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган («O'zbekiston telekanali» давлат муассасаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 24 сентябрдаги 4040-1503-сон маълумотномаси). Илмий натижалар татбиқи кўрсатув сценарийсида исломнинг халқ маданий-конфессионал кодларини ўзида акс эттириши, унинг сиёсий ва этник конформизминини сақлашга ёрдам бериши каби ғоялари акс эттирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 6 та халқаро конференцияда, хусусан, "Центральная Азия: вчера, сегодня, завтра" (Бишкек, Кыргызская Республика, 2002), 8th conference of European Society for Central Asian Studies (Bordeaux, France, 2002), Knowledge, Creativity and Transformations of Societies", Вена, Австрия, 2007), “Мир ислама: история, общество, культура” (Москва, Россия, 2009), «Арал-Каспийский регион в истории и культуре Евразии» (Актобе, Казахстан, 2011), «Тюркоязычная книга в контексте мировой духовной культуры» (Казань, Россия, 2012), ва 6 та республика конференциясида, хусусан, «Қарақалпақ елиниң уллы уламасы» (Нукус, 2006), «Юксак маънавият – баркамол авлод асоси» (Нукус, 2010), «Бердақ миллий мәдениятымыз байтереги» (Нукус, 2013), "Цивилизации Великого Шелкового пути из прошлого в будущее: Перспективы естественных, общественных, гуманитарных наук" (Самарканд, 2017), "Город и городская культура в Южном Приаралье: история и перспективы" (Нукус, 2017), “Bo'zator. Yoshlar ovozi” (Бозатау, 2021) сингари илмий-амалий

конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияси илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (11 республика ва 3 халқаро нашрларда) мақола, ва 12 та халқаро ва республика илмий анжуманлари тўпламларида илмий, илмий-оммабоп мақола ва тезислар кўринишида нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация Кириш, тўрт асосий боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати, илова ва иллюстрациялардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 242 бет (иллюстрация ва иловалар билан 336 бет)дан иборат.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари тавсифланган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилиниши, тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **«Ислom тарихини ўрганишнинг услубий муаммолари ва манбаларни таҳлил қилиш тамойиллари»** номли биринчи бобида адабиётлар таҳлили тақдим этилган. Бунда асосий эътибор қорақалпоқлар ва уларга ҳаёт тарзи ўхшаш этносларда (масалан, қозоқ, туркман ва ўзбекларнинг кўчманчи субстратлари) ислom қандай тавсифланганига ва идрок этилганига қаратилган. Бундай ёндашувнинг салбий жиҳати (тадқиқот услуби сифатидаги қўшимча маъноси) шундаки, “кўчманчи” атамаси рус ва совет шарқшунослари тадқиқотларида кўчманчи халқларнинг “заиф тарзда ислomийлашганлиги” маъносини ўзида мужассам этган. Аслида, бир қатор тадқиқотчилар қайд этганларидек, бу ислomнинг эски анъана ва удумлар, ҳаёт тарзи ва ҳоказолар билан боғлиқ бошқача шакли эди холос<sup>4</sup>.

Диссертация бўлимларига мувофиқ тарзда ишнинг библиографияси гуруҳларда тизимлаштирилди ва таҳлил қилинди: 1. Марказий Осиёда ислom тарихшунослиги. 2. Ўзбекистонда ислom мавзусидаги тадқиқотлар. 3. Қорақалпоқларда ислom дини: нималар ўрганилган ва нималар яна тадқиқ этилиши керак?

**Биринчи гуруҳга** қўлланган ёндашув ва кўтарилган масалалари бўйича диссертация мавзусига яқин ишлар танлаб олинди. Ишлар таҳлилида

---

<sup>4</sup> DeWeese D. Islam and the Legacy of Sovietology: A Review Essay on Yaacov Ro'i's Islam in the Soviet Union. In: Journal of Islamic Studies 13:3. 2002. – P.324-325. Яна қаранг: Бабаджанов. Кокандское ханство: власть, политика, религия. – Ташкент-Токио, 2010. – С.629-657. Шу ишда кенгайтирилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

тарихшунослик вазифалари бажарилишидан ташқари, ишнинг услубий, назарий асосини шакллантиришга ҳам ёрдам берди. Тадқиқот нуқтаи назаридан: D.DeWeese, B.G.Privratsky, A.Frank, L.Rzehak, P.Sartori, Т.Баялиева, Р.Мустафина, Т.Акмурадов, А.Табышалиева, А.Мирбабаев, А.Муминов, А.Султангалиева, А.Усман, Н.Нуртазина, Р.Бекназаровлар<sup>5</sup> каби шарқшунос, археолог ва этнографларнинг ишлари таҳлил қилинди.

Ўрта Осиё мусулмон меъморчилигининг ўзига хос жиҳатларига биринчилардан бўлиб, Н.Шчербин-Крамаренко<sup>6</sup> эътибор қаратган. Манғишлоқнинг адай-қозоқлари ва туркманларнинг дафн маросимлари билан боғлиқ этнографик маълумотлар Кавказ ва бошқа халқлар ҳақидаги махсус тўпلامдан жой олган<sup>7</sup>.

Марказий Осиёда ислом мавзусининг турли жиҳатлари бир асрдан ортиқ вақт давомида тадқиқ қилинмоқда. Олимларнинг ёндашувлари улар яшаган давр ғоявий конъюктурасига, қолаверса, уларнинг профессионал даражаси, билими ва бошқаларга боғлиқ бўлган. Тадқиқотлар ҳар доим ҳам бир-бири билан мос келмаса-да, “Марказий Осиёда ислом” ягона академик дискурсини ҳосил эта олган.

---

<sup>5</sup> DeWeese D. Айтилган асар; ўша муаллиф: Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tukles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition, University Park, Pennsylvania State University Press. 1994. – 656 p.; ўша муаллиф: Mapping Khwārazmian Connections in the History of Sufi Traditions // Eurasian Studies, 2016. Vol.14: Issue 1-2. – P.37-97; ўша муаллиф: A Khwārazmian Saint in the Golden Horde: Közlük Ata (Gözlü Ata) and the Social Vectors of Islamisation // Revue des mondes musulmans et de la Méditerranée, 143 | 2018. Vol.143. – P.107-132; Privratsky B.G. Muslim Turkistan. Kazak Religion and Collective Memory. – Richmond Surrey: Curzon Press, 2001. – 322 p.; Frank A. Muslim Religious Institutions in Imperial Russia: The Islamic World of Novouzensk District and the Kazakh Inner Horde, 1780–1910. – Leiden: Brill, 2001. – 341 p. <https://journals.openedition.org/remmm/10254>; Rzehak L. Narrative Strukturen des Erzählens über Heilige und ihre Gräber in Afghanistan // Asiatische Studien. Etudes Asiatiques. LVIII. 1. 2004. – P.195-229; Sartori P., Pianciola N. Islam, Society and States across the Qazaq Steppe (18<sup>th</sup> - early 20<sup>th</sup> centuries) / Veröffentlichungen zur Iranistik Herausgegeben von Bert Fragner und Frank Schwarz. №72. Verlag der Österreichischer Akademie der Wissenschaften. – Wien, 2013. – 222 p.; Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Фрунзе. 1972. – 170 с.; ўша муаллиф: Религиозные пережитки у киргизов и их преодоление. – Фрунзе, 1981. – 101 с.; Мустафина Р.М. Представления, культы, обряды у казахов. – Алма-Ата, 1992. – 176 с.; Акмурадов Т.А. Место ислама в духовно-нравственной жизни общества и проблемы формирования научно-материалистического мировоззрения: Рук. дисс... д-ра. филос. н. – Т., 1992. – 300 с.; Табышалиева А. Вера в Туркестане. Очерк истории религии Средней Азии и Казахстана. – Бишкек, 1993. – 162 с.; Мирбабаев А. История Мадраса Таджикистана. – Душанбе, 1994. – 71 с.; Muminov A. Veneration of Holy Sites of the Mid-Sirdar'ya valley: continuity and transformation / Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18<sup>th</sup> to the early 20<sup>th</sup> centuries. – Berlin, 1996. – P.355-367; ўша муаллиф: Суфийские элементы в казахском эпосе (по материалам академического издания текстов «Козы-Корпеш и Баян-сулу» и «Кыз-Жибек») // Времена и духовность. Сборник в честь 70-летия академика НАН РК С.А. Каскабасова. – Алматы, 2010. – С.442-448; ўша муаллиф: Сборники фетв в богословско-правовой традиции Центральной Азии: краткий обзор и перспективы изучения // History and Culture of Central Asia / Superv by M.Yoshikazu, B.Abdukhalimov and K.Hisao. Ed. by V.Babadjanov and Yuyoi Kawahara. – Tokyo, 2012. – P.193-211; ўша муаллиф: Генеалогические грамоты и сакральные семейства XIX-XX веков. Насаб-наме и группы хаджей, связанных с сакральными сказаниями об Исхак бабе // Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии. <https://kozhalar.kz/20197298-geneologicheskie-gramoty-i-sarkal-nye-semejstva-hih-hh-vekov-nasab-name-i-gruppy-hadzhej-svyazannyh-s-sarkal-nymi-skazaniyami-ob-ishak-babe>; Султангалиева А.К. Ислам в Казахстане: история, этничность и общество. – Алматы, 1998. – 188 с.; Усман А. Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии. – Самарканд: ИСАС, 1999. – 116 с.; Нуртазина Н.Д. Ислам в истории средневекового Казахстана. – Алматы, 2000. – 312 с.; Бекназаров Р. Казахи Северного Приаралья в XIX – начале XX вв. (историко-этнографическое исследование): Автореф. дисс... д-ра. ист. н. – Алматы, 2010. – 55 с.

<sup>6</sup> Щербин-Крамаренко Н. По мусульманским святыням Средней Азии (Путевые заметки и впечатления) // Справочная книжка Самаркандской области. В. IV. – Самарканд, 1896. – С.45-61.

<sup>7</sup> Предания адаевцев о святых, секты ханафие, живших и умерших на Мангышлаке / Сборник сведений о Кавказских горах. Выпуск VII. – Тифлис, 1873. – С.5-17.

Ўзбекистонда ислом мавзусига бағишланган кўплаб ишлар мавжуд. Диссертация ҳажми чеклангани сабабли фақат ғоя ва маълумотларидан фойдаланилган ишларнинг таҳлили берилган. Ўтмиш олимлари ишларига замонавий тадқиқотчиларнинг танқидий мазмундаги муносабатлари ҳисобга олинган. Бироқ юқоридаги муаллиф томонидан тавсифланган, аммо бугунги кунгача сақланимаган ёки бошқача конфигурацияларда қайд этиладиган одат, маросим ва удумларни кузатиш, тавсифлаш натижаларидан фойдаланиш ишда муҳим аҳамият касб этди.

Тадқиқотимизга жалб этилган ишлар кичик гуруҳларга ажратилган: 1. Россия империяси ҳукмронлик даври нашрлари. 2. Совет даври адабиётлари. 3. Мустақиллик даври тадқиқотлари. 4. Чет эл адабиётларида Ўзбекистонда ислом тадқиқотлари.

Биринчи кичик гуруҳда А.Кун, В.Наливкин, Н.Остроумов, С.Духовский, А.Семенов асарлари, шунингдек, махсус тўплам<sup>8</sup> ва бошқа нашрлар энг аҳамиятлилардан бўлиб, уларда (ўша давр шарқшунослигининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда) ислом, унинг институтлари, маънавияти, суфийлик ва ҳоказолар ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Мазкур маълумотлар асосий қисмининг вужудга келиши 1898 йилдаги Андижонда воқеаларидан кейин чор империясининг маъмурияти томонидан Туркистон ўлкасида ислом мавзусига қизиқиш кучайганлиги билан боғлиқ. Аввалгидек “исломга писанд қилмаслик” (фон Кауфманнинг формуласи) сиёсати хавф остида қолиб, жамиятда исломга нисбатан фобияларни ўсишига “олиб келиши” мумкин эди. Ўлка генерал-губернатори С.Духовский ислом ва суфийликда руслар ва маҳаллий халқларнинг “илғор тарзда бирлашиши” учун жиддий тўсиқларни кўрган<sup>9</sup>. Маълумотларнинг мазмунига кўра, мазкур “Тўплам” этнографлар учун муҳим манбадир.

Иккинчи кичик гуруҳ нашрларига келсак, улар цензура ва совет даврининг ғоявий конъюнктурасига қарамай, ўзида катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаган. Бу ишлар, асосан, этнография ёки меъморий-археология йўналишида О.Сухарева, Г.Пугаченкова, А.Писарчик, Г.Снесарев, В.Басилов, С.Демидов, Б.Кармышева<sup>10</sup> каби олимларнинг олиб

---

<sup>8</sup>Кун А. Культура оазиса низовьев Аму-Дарьи / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, изд. Туркестанского статистического комитета. Вып. IV. – СПб., 1876. – С.223-259; ўша муаллиф: От Газавата до Кунграда / Ўша ерда. – Б.203-222; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь // Мусульманская Средняя Азия. – М., 2004 (иш 1898 йили қайта нашр этилган); Остроумов Н.П. Саргы. Этнографические материалы. – Т., 1896. – 272 с.; ўша муаллиф: Мадрасы в Туркестанском крае // Журнал Министерства народного просвещения. Новая серия. Ч. VII. – СПб., 1907. – С.1-58; ўша муаллиф: Исламоведение. – Ташкент, 1914. – С.87-214; Духовский С. Ислам в Туркестане. – Т., 1899. – 21 б.; Семенов А. Ташкентский шейх Хавенд-Тахур («Шейх-Антаур») и приписываемый ему «кулях» // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год XX. В.1. – Т., 1915. – С.25-31; Сборник материалов по мусульманству. – СПб., 1899. – 158 с.

<sup>9</sup> Духовский С. Ўша адабиёт... – Б. 3-4.

<sup>10</sup> Сухарева О.А. О культе мусульманских святых в Средней Азии. Тр. Ин-та истории и археологии АН УзССР. В. 2. – Ташкент, 1951. – С.159-178; ее же. Ислам в Узбекистане. – Т., 1960. – 88 с.; Пугаченкова Г.А. Мавзолей Араб-ата (Из истории архитектуры Мавераннахра IX- X вв.) // Искусство зодчих Узбекистана. – Т., 1963. – С.60-98; Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахра эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека. – Т., 1965. – С.227-256; Писарчик А.К. Народная архитектура Самарканда XIX-XX вв. – Душанбе, 1974. – 267 с.; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. – 336 с.; Басилов В. Культ святых в исламе. – М., 1970. – 144 с.; Демидов С.М. Суфизм

борган тадқиқотлари ҳисобланади. С.П.Толстовнинг илмий ишларида Хоразм ва Қорақалпоғистонда кундалик ва даврий маросимлар масалалари акс топган, кенг тарихий таққослаш билан ёритилган. Олим динлар тарихи мавзусида аҳамиятли тадқиқотлар ўтказган<sup>11</sup>.

Ушбу ишларнинг аксарияти бир-биридан услубий жиҳатдан фарқ қилиб, диннинг жамият ҳаётидаги ўрнини танқидий баҳолашга йўналтирилган. Уларда таъкидланишича, дин жамият маданий тараққиётини тўхтатган, ўзга халқларга нисбатан муросасизликни тарғиб қилган. Бироқ ғоявий ёндашувлар ушбу ишларнинг ишончли манба сифатидаги аҳамиятини камайтирмайди, чунки муаллифларнинг кўпчилиги эҳтиёткорлик билан кундалик удум ва анъаналарни қайд этган ва тавсифлаган. Уларда руҳонийлар, авлиёлар култи (тимсоли) ва бошқа нарсалар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Совет этнографлари марксизм ғояларига суянган ҳолда иқтисодий ўзгаришлар (“қишлоқларни саноатлаштириш”) ва қишлоқда мулк шаклларининг ўзгариши (“колхоз”ларнинг тузилиши) таъсирида “Совет Ўрта Осиё”сида босқичма-босқич “эскилик сарқитлари”, айниқса, Ўрта Осиё қишлоғидаги “уруғчилик тузилмасининг қолдиғи” деб изоҳланган “меҳнаткаш деҳқонларнинг диний онги”нинг сушлашишига ишонганлар<sup>12</sup>.

Ислом динини “икки ислом”га (“китобий/назарий” ва “халқчил/маиший” ва ҳ.к.) бўлишга асосланган ёндашув совет этнологларига “қадимги қоидаларга (реликтга) асосланган ислом”ни тавсифлашга “қонуний” (“легитим”) ҳуқуқни бериб, улар қайд этиб борган удумларни эски анъанага мувофиқ, исломгача ёки энг яхши ҳолатда исломга алоқадор бўлмаган “удумлар” деб талқин этишларини осонлаштирган. “ХІХ аср охирида ишлаб чиқилган ва дин ҳақида позитивист фанга ва Маърифат асридаги “ортиқча” удумларга нисбатан беписандликка, шунингдек, хурофий “халқ дини” кабиларга асосланган бундай ёндашув мусулмонларнинг анъанавий ҳаётини фрагментар тарзда олиб ўрганишга хизмат қилган...”<sup>13</sup>.

Қайд этилган ва бошқа камчиликларга қарамай, совет даври исломшунослиги эмпирик маълумотларни тўплаш ва уларни нашр этиш даври ҳисобланади. Бу даврда исломнинг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги ўрни ва ролини баҳолашда қарашлар ва ёндашувларда тадрижий тараққиёт сезилади.

Мамлакатимизнинг **мустақилликни** қўлга киритиши ва у билан боғлиқ янги сиёсий импульслар ўтмиш, шу жумладан, Туркистонда “ислом сиёсати”, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида исломнинг ўрни масалаларини қайта

---

в Туркмении (эволюция и пережитки). – Ашхабад, 1978. – 176 с.; Кармышева Б. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX-начале XX века / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М., 1985. – С.92-103.

<sup>11</sup> Толстов С.П. Религии народов Средней Азии. Вступительный очерк / Религиозные верования народов СССР. Т.1. – М.-Л., 1931. – С.241-267.

<sup>12</sup> Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкыран (Опыт этнографического изучения колхоза имени Сталина Чартакского района Наманганской области). – Т., 1955. – 238 с.; Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – 295 с.; Алымов С. Неслучайное село: советские этнографы и колхозники на пути “от старого к новому” и обратно // Новое литературное обозрение, 2010. №1. – С.109-129; Снесарев Г.П. О некоторых причинах сохранения религиозно-бытовых пережитков у узбеков Хорезма // Советская этнография, 1957. №2. – С.34-41.

<sup>13</sup> DeWeese. Islam and the Legacy of Sovietology... – P.310.

ўрганишни долзарблаштирди. Учинчи кичик гуруҳ мустақил Ўзбекистон даври тарихшунослиги материаллари П.Абдулаханов, Р.Шодиев, С.Болтабоев, Д.Исмоилова, А.Аширов, Н.Абдулахатов, С.Жамилов, У.Султанов, М.Юсупова, Х.Расулов ва бошқалар<sup>14</sup>нинг тадқиқотларини қамраб олган. Турли тилларни билиш, қадимги манба ва ғарб адабиётлари билан ишлай олиш бир қатор шарқшуносларни академик исломшунослик ишларининг яратишларига сабаб бўлди. Хусусан, А.К.Мўминов, Б.М.Бабаджанов<sup>15</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари ана шундай ишлардандир. Мустақиллик даврида ўзбек олимларининг чет эллик ҳамкасблари билан ҳамкорликни йўлга қўйишлари, уларнинг замонавий илғор тадқиқот усуллари билан танишиб, Ўзбекистон исломшунослигини халқаро миқёсда тан олинадиган тадқиқотлар бўлишига туртки бўлди.

Тўртинчи кичик гуруҳга чет эл олимлари: Девин ДеУиз, В.Огудин, Ж.Маккейн, А.Франк, П.Сартори ва бошқаларнинг<sup>16</sup> ишлари киритилган. Ушбу гуруҳ нашрлари ҳам назарий-ахборий характерга эга бўлиб, жуда кам ҳолатларда бир-бирини такрорлайди, бироқ уларда турли йўналишлардаги ҳамкасбларининг ишларидан кенг фойдаланилган.

Адабиётлар таҳлили мустақиллик даври исломшунослигининг қанчалик бойганини кўрсатди. Табиийки, ҳар хил мутахассисларнинг манбалар шарҳи ва таҳлиliga ёндашувлари турлича. Бироқ кенг ҳамкорлик миллий академик фаннинг қатор йўналишлари (исломшунослик тарихи, этнография ва ҳ.к.)

---

<sup>14</sup> Абдулаханов П. Ислам в системе культуры среднеазиатских народов (методологический аспект исследований проблемы): Рук. дис... канд. филос. н. – Т., 1992. – 148 с.; Шодиев Р.Т. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (XI-XIII вв.): Автореф. дисс... д-ра. филос. н. – Самарканд. 1993. – 34 с.; Болтабоев С. Чоризм ҳукмронлиги даврида ислом. – Наманган, 2005. – 72 с.; Исмоилова Д.А. Ислам динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва роли (XIX аср охири – XX аср бошлари): Автореф. дисс... канд. ист. н. – Т., 2006. – 22 с.; Аширов А.А. Древние религиозные верования в традиционном быту узбекского народа (по материалам Ферганской долины): Автореф. дисс... д-ра. ист. н. – Т., 2008. – 50 с.; ўша муаллиф: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007. – 276 б.; Абдулахатов Н. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины: Автореф. дисс... канд. ист. н. – Т., 2008. – 30 с.; Жамилов С.Хазрати Занги ота ҳаётларидан лавҳалар (зиёрат қилиш одоблари). – Т., 2008. – 104 б.; Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. – Т., 2010. – 160 б.; Юсупова М. А. Влияние Ислама на развитие архитектуры Мавереннахра VIII-начала XX вв // *Orta Asya'da İslâm: Temsilden Fobiye*. – С.2: *Türk'ün Tanrı'sından Tanrı'nın Türk'üne* / editör: Muhammet Savaş Kafkasyalı. – Ankara-Türkistan: Hoca Ahmet Yesevi Uluslararası Türk-Kazak Üniversitesi, 2012. – С.815-852; Расулов Х. Тошкент зиёратгоҳлари. – Т., 2012. – 224 б.

<sup>15</sup> Babadžanov В.М. Андijanское восстание 1898 года и “Мусульманский Вопрос” в Туркестане (Взгляды “колонизаторов” и “колонизированных”) // *Ab Imperio*, 2009. №2. – С.155-200; ўша муаллиф: *Xalwat-i Sufiha (the religious landscape of Khorezm at the turn of the 19th century) / Muslim Culture in Russia and Central Asia. Vol.3 Arabic, Persian and Turkic manuscripts (15th-19th centuries)*. – Berlin: Ed. by Anke von Kügelgen, 2000. – P.113-218; ўша муаллиф: *On the History of Naqšbandiya-Muğaddidiya in Central Māwarā'annahr in the late 18<sup>th</sup> – early 19<sup>th</sup> centuries // Muslim Culture in Russia and Central Asia from the 18th to the Early 20th Centuries. Vol.1*. – Berlin, 1996. – P.386-413 и др.

<sup>16</sup> DeWeese D. Mapping Khwarazmian ... - P. 37-97; Огудин В.Л. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы: Автореф. дисс... д-ра. ист. н. – М., 2003. – 52 с.; McKane J.T. Ziyorat in Uzbekistan: The Shrine of Sulton Bobo. Indiana University, 2003. – 232 p.; Frank A. Bukhara and the Muslims of Russia: Sufism, Education and the paradox of Islamic Prestige. Brill's inner Asian Library. V.26. – Leiden-Boston, 2012. – 223 p.; Sartori P. On Madrasas, Legitimation, and Islamic Revival in 19<sup>th</sup> Century Khorezm // *Eurasian Studies*, 2016. Vol.14. Issue 1-2. – P. 98-134; Yayoi Kawahara. The Mazar of Qutayba ibn Muslim: A Study of the Oral Tradition and Historical Documents // *Islamic Sacred Places in Central Asia: The Ferghana Valley and Kashghar Region*. – Токуо, 2007. (Silk roadology, №28). – P.79-103; Абашинов С.Н. Сафид-Булан // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып.3. – М., 2001; его же Шахимардан // Ислам на территории бывшей Российской империи. Том 1. – М., 2006. – С.460-462.

ривожига замин яратди.

Бобнинг сўнги параграфи қорақалпоқ халқи ҳаётида исломнинг ўрни тарихини ёритиш муаммоларига бағишланган. Ушбу гуруҳ манбалари ҳам кичик гуруҳларга ажратилган. Биринчи кичик гуруҳ ўз ичига Хоразм, шу жумладан, ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудига келган саёҳатчиларнинг маълумотларини қамраб олган. Булар: Риза-Қули-Мирзо, П.Ричков, А.Вамбери, Н.Каразин, А.Кун, А.Каульбарс, Г.Данилевский ва бошқаларнинг Хива хонлигининг тавсифи (“Описание Хивинского ханства”)<sup>17</sup> борасидаги ишлардир. Ушбу манбалар бир муҳим хусусият – муаллифлар у ёки бу жиҳатдан ўзлари кўрган ҳудудлар маданий ҳаётининг диний жиҳатларини ёритганлиги атрофида бирлашади. Улар диний институтлар (масжидлар, мадрасалар) сони, муқаддас қадамжойлар ҳақидаги статистик маълумотлар, айрим ҳолларда эса, муқаддас жойлар ҳақидаги ривоятларни ичига олади.

Иккинчи кичик гуруҳ совет даври адабиётларидир. Бу А.Морозова, Ю.Кнорозов, Ж.Урумбаев, Ж.Дуйсенғалиев, Т.А.Жданко, Х.Есбергенов, Т.Изимбетов, Ж.Базарбаевларнинг ишлари ҳисобланади. Ушбу гуруҳга қорақалпоқ этнографияси бўйича яратилган махсус том<sup>18</sup> ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу гуруҳ адабиётларининг фарқли жиҳати ғоявий ёндашув ва “диний онг” – сўниб бораётган омил эканлигини исботлашга уринишлардир. Бироқ барча тадқиқотчилар ҳам бундай ғоявий қолипларга бўйсунмаган. Шунга қарамай, бу ишлардаги маълумотлар турли йўналишдаги мутахассислар учун долзарбдир.

---

<sup>17</sup> Риза-кули-Мирза. Краткий очерк Аму-Дарьинской области. Сост. персидским принцем Риза-Кули-Мирза Флигель-адъютантом Его Императорского Величества и гвардии полковником. – СПб., 1875; Исмаилов Э.Э. Персидские принцы из дома Каджаров в Российской империи. – М.: Старая Басманная, 2009. – 594 с.; илл. LXIV с.; Рычков П. Оренбургская топография. СПб, 1762. – С.175; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Павлодар, 2006. – 316 с.; Каразин Н. В низовьях Аму // Вестник Европы, 1875. №3. – С.186-229; Кун А. От Газавата до Кунграда / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник, изд. Туркестанского статистического комитета. Под ред. Н.Маева. Вып.IV. – СПб., 1876. – С.203-222; ўша муаллиф: Культура оазиса низовьев Аму-Дарьи / Там же. – С.223-259; Каульбарс А.В. Низовья Амударьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. // ЗРГО. Т.IX. – СПб., 1881. – 630 с.; Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства / Записки Русского географического общества по общей географии. – СПб., 1851. Кн.5. – С.62-139; Россикова А.Е. По Амударье от Петро-Александровска до Нукуса // Русский Вестник, 1902. Т.280. – С.562-588; Хива или географические и статистическое описание Хивинского ханства, состоящего теперь в войне с Россией, заимствованное из разных отечественных и иностранных писателей, с изображениями костюмов и вида города Хивы. – М., 1840. – 89 с.

<sup>18</sup> Морозова А.С. Культура домашнего быта каракалпаков начала XX-века (к вопросу этногенеза): Рук. дисс... канд. ист. н. – Т., 1954. – 255 с.; Кнорозов Ю. Шаманский зикр в подземелье Мазлумхан-сулу // Этнографическое обозрение, 1994. №6. – С.91-96; Ўша муаллиф. Мазар Шамун-Наби. Некоторые пережитки домусульманских верований у народов Хорезмского оазиса // Советская этнография, 1949. №2. – С.86-97; Дуйсенғалиев Дж. К постановке преподавания математики в дореволюционных школах Каракалпакии. – Нукус, 1960. – 72 с.; Жданко Т.А. Каракалпаки Хорезмского оазиса / ТХАЭ. Археологические и этнографические работы экспедиции 1945-1948 гг. – М., 1952. – С.461-566; Ее же: Работы каракалпакского этнографического отряда Хорезмской экспедиции в 1957 г. // Материалы Хорезмской экспедиции. В.4. – М., . – С.146-172; Ее же: Каракалпаки в научных исследованиях периода их присоединения к России (1873–1874) // Среднеазиатский этнографический сборник. В. IV. – М., 2001. – С.13-19; Есбергенов Х. К вопросу об изживании религиозных представлений и обрядов у каракалпаков (на материале погребальной обрядности): Рук. дисс... канд. ист. н. – М., 1963. – 352 с.; ўша муаллиф: Калмақ-кала каракалпақлардың әйемги қонысларының бири // Вестник ККФАН УзССР, 1984. №2. – С.60-65; Базарбаев Ж. Характер религиозности сельского населения Каракалпакской АССР и пути ее преодоления (опыт конкретно-социологического исследования): Автореф. дисс... д-ра. филос. н. – Т., 1973. – 37 с.; Изимбетов Т. Ислам и современность. – Нукус, 1963. – 161 с.; Урумбаев Ж. Очерки истории школы в Каракалпакстане (1810-1967 гг.). – Нукус, 1974. – 583 с.; Этнография каракалпаков. – Т., 1980. – 208 с.

Собиқ совет этнографиясида “диний анъаналарни йўқ қилиш” мавзуси, айниқса, “феодализмдан социализмга тарихий ўтган” республикалар учун узоқ муддат долзарблигича қолган. Ушбу “сақраш” “социалистик Шарқ” халқлари муваффақиятли равишда эски “бидъатларни” енгиб, коммунистик келажак сари шахдам қадамлар билан илгарилаётганликларини исботлашни талаб қиларди<sup>19</sup>. Айрим муаллифлар “қаторлар орасида” ушбу тадқиқот учун муҳим маълумотни жойлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Қорақалпоғистонда мустақиллик даври тадқиқотлари (учинчи кичик гуруҳ) янги ёндашувларда олиб борилган бўлиб, бу, биринчи навбатда, Г.Хожаниязов ва О.Юсупов<sup>20</sup>, шунингдек Б.Кошанов ва С.Усеновларнинг<sup>21</sup> ишларида кўринади. Шунингдек, қорақалпоқ диний арбоблари Имом-эшон, Эшим охун, Сулаймон Бақирғоний (Ҳаким-ота), Қўнғиротнинг тарихий-маданий ва диний ёдгорликларига бағишланган ҳажми катта бўлмаган мақолалар тўпламларида муҳим маълумотлар мавжуд<sup>22</sup>. Оролбўйи тарихий-археологик меросини ўрганиш бўйича илмий лойиҳалар натижалари жуда фойдали бўлган<sup>23</sup>. Р.Камалова, С.Есбергенова, Ж.Ҳакимниязов, И.Алламбергенова ва бошқаларнинг диссертацияларида қорақалпоқлар этнографиясининг аниқ масалалари таҳлил қилинган<sup>24</sup>.

Қорақалпоғистонда мавзуга доир бажарилган ишлар таҳлили шуни кўрсатдики, исломнинг тарқалиши, эволюцияси, авлиёлар култи, ёзма ёдгорликлар, удумлар махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қорақалпоқларда ислом дини: бошланиши, шахслар, муқаддас зиёратгоҳлар”** деб номланган. Унда қуйи Амударёда, жумладан, қорақалпоқлар орасида ислом тарқалишининг

---

<sup>19</sup> Babadjanov B. ‘Ulama’-Orientalists: Madrasa Graduates at the Institute of Oriental Studies in Tashkent // In: M. Kemper, Artemy Kalinovskiy (Editors) ‘Interlocking ‘Orientalologies’. – New-York. 2014. – P.27-58.

<sup>20</sup> Хожаниязов Г. Қарақалпақстандағы мухаддес орынлар. – Нөкис, 1994. – 87 б.; Хожаниязов Г., Ҳакимниязов Ж. Султан Увайс бобо (некоторые новые археологические материалы) // Қарақалпақ мәмлекетлик универси-тетиниң Хабаршысы, 2016. №2. – С.60-62; Есбергенов Х. Қоңырат. Тарийхый хэм мәдений естеликлери. – Нөкис, 1993. – 104 б.

<sup>21</sup> Кошанов Б.А., Усенов С. О неизвестной истории историко-мемориального комплекса «Ишан-кала» Каракалпақстана//Археология и этнография Узбекистана. Материалы. Респ. Конф. Ташкент: Нац. Ун-т Узб. 2012; их же: Генеалогия Имам ишана // Проблемы исторического источниковедения. Материалы научно-практической конференции, посвященной 95-летию Национального университета Узбекистана. – Ташкент, 2013.– Сс. 305-309; Кошанов Б.А. Из Астрахани в Бухару и Хиву: генеалогия Имам ишана// Перекрестки истории. Актуальные проблемы исторической науки. Материалы ХУ Международной научной конференции. - Астрахань, 26 апреля 2019. Астраханский ун-т. С.48-50; Усенов С. Имам ийшан шежиреси. (Жаңа дереклер) // Қарақалпақстан тарийхының актуаль машқалалары хэм Қарақалпақстан Республикасына хызмет көрсеткен илим ғайраткери профессор М.Ш.Қдырниязовтың 70-жыллығы. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары топламы. – Нөкис, 2020. – С.262-266.

<sup>22</sup> Жуманазарова М. Ешим ахун хэм оның үрим путақлары. – Нөкис, 2011. – 48 б.; Карақалпақ елиниң уллы уламасы // Материалы конференции. – Нукус, 2006. – 48 б.; Сулайман Бақырганий хэм оның дәўири. Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. – Нөкис-Қоңырат, 2002. – 68 б.

<sup>23</sup> Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Археология Приаралья. В. VII. – Т., 2008. – 187 с.

<sup>24</sup> Камалова Р.С.Традиционные верования в семейно-бытовой обрядности каракалпаков (XIX-нач. XX вв.): Автореф. дисс... канд. ист. н. – Нукус, 1996. – 16 с.; Есбергенова Т. Традиционное трудовое воспитание детей у каракалпаков (конец XIX-начало XX веков): Автореф. дисс... канд. ист. н. – Нукус, 1999. – 27 с.; Ҳакимниязов Ж. Общественно-культурные и мемориальные сооружения Хорезма X–XV вв. (историко-археологическое исследование): Рук. дисс... канд. ист. н. – Самарканд, 1999. – 132 с.; Аллаамбергенова И. Қорақалпоқ халқ ривоятлари (жанрий ўзига хослиги, таснифи): Автореф... PhD. – Т., 2018. – 49 б.; ўша муаллиф: Qaraqalpaq folklorında diniy aňızlar. – Nókis, 2016. – 30 б.

тарихий масалалари, қорақалпоқлар орасида ислом тарғиботчилари ва уларнинг исмлари билан боғлиқ муқаддас қадамжойлар ҳақидаги маълумотлар кўриб чиқилган. Диссертацияда ўлкада ислом тарқалиши масаласига қисқача тўхталинган ва асосий эътибор ислом ҳамда араб тилининг тарқалишига, бундай шароитда маҳаллий тилларнинг фольклор асарларида, халқ маданияти ва жамоа хотирасида сақланиб қолганлигини таҳлил қилинган.

Бугунги кунда ислом дини қорақалпоқлар ҳаётининг барча жабҳасига (ижтимоий, иқтисодий, маданий ва ғоявий соҳаларга) чуқур сингиб кетганига қарамай, қорақалпоқлар томонидан илк бор исломни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолатлар манбавий асослар етарли бўлмагани сабабли аниқлик киритилмаган.

Мазкур бобда дафн маросимининг ўзгариши ҳақида ҳолис гувоҳлик берувчи манба сифатида археологик тадқиқотлардан фойдаланилган. Бироқ тадқиқ этилаётган масала этник контекст билан боғлиқ бўлганлиги учун бу ерда муҳим илмий савол очик қолди: дафн этиш шакллари, майитни қабрга кўйиш йўналишларининг ўзгариши ва ҳоказоларга қараб этник мансубликни аниқлаш қанчалик ишончли? Бу ерда ҳар қандай халқ ўзи тарқалган ҳудудлардаги маданий кодни қабул қилади, маҳаллий анъаналар эса вақт ўтиши билан бу маданиятнинг ажралмас қисмига айланади, деган тасаввурлардан келиб чиқилмоқда.

Мусулмонларнинг дафн маросимини ўрганиш орқали ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида ислом VIII асрнинг иккинчи ярмидан тарқала бошлаганлиги ҳақида сўз юритиш имконини берди. Ўша даврдан зардуштийлик динининг дафн удумлари мусулмонча анъаналарга алмашган (Тўк-қалъа, Нукус тумани, Миздахқон, Хўжайли тумани). IX асрда куйи Амударё ҳудудидаги аҳоли мусулмонча дафн этиш амалиётидан фойдаланган. Бу аҳолининг барчаси бўлмаса-да, асосий қисми исломийлашганлигини кўрсатади<sup>25</sup>.

Ислом динининг кейинги тарқалиши ва барқарорлашиши кўпроқ ўлка халқларининг кўшни давлатлар, қабилалар билан сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларига бевосита боғлиқ бўлган. «Шу тарзда Устюртда, кўчманчилар даштлари чегарасида исломга жалб этилишининг илк ҳолатлари юз берган»<sup>26</sup>. Устюрт платосига яқин ҳудудлардаги маданий алмашинув ислом ғояларини кўчманчи қабилалар – ўғузлар, бижанаклар, қипчоқлар орасида тарқалишига сабаб бўлган ва бунда асосий ролни Хоразм ўйнаган. Шаҳарларда исломлашиш жараёни жадалроқ ўтган, у ерда диний ташкилотлар билан бир қаторда маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга шахслар, масалан, Кардардан келган илоҳиётчилар пайдо бўлган. Худуднинг Олтин Ўрда таркибига киритилиши ушбу жараённи кучайтирган. «Кардарий»<sup>27</sup> насабига (нисбасига) мансуб уламолар гуруҳи нафақат Олтин

<sup>25</sup> Амиров Ш. Предпосылки распространения Ислама среди кочевников Плато Устюрт // Археология Узбекистана в годы независимости: достижения и перспективы. – Самарканд, 2016. – С.90.

<sup>26</sup> Амиров Ш. Предпосылки распространения Ислама... – С.92.

<sup>27</sup> Муминов А. Ханафитский мазхаб в истории Центральной Азии. – Алматы, 2015. – 400 с.

Ўрда, балки бошқа ҳудудлар диний ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган.

Оролбўйи минтақасида ислом маданияти гуллаб-яшнаганлигини бугунги кунга қадар етиб келган турли асрларга оид ислом меъморчилиги ёдгорлиги намуналари ҳамда қатор археолог ва архитекторларнинг (Наринжан-бобо, Миздақхондаги Шамун-Наби, Мазлумхан-Сулу, Халифа Ражаб мақбаралари, мусулмон мазорлари, Қирантовдаги масжид, Девкескен-Вазирдаги масжид, мактаблар ва ҳ.к.лардаги) тадқиқотлари натижаларига қараб хулоса қилиш мумкин. Уларнинг аксариятида суфийликнинг кучли таъсири бўлганидан гувоҳлик беради. Шунингдек, бу тўғрида аҳоли кўлида Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Аллоёр, Машраб ва бошқаларнинг асарларида ҳам сақланиб қолган.

XVIII-XIX асрларда Нақшбандия-Мужаддия суфийлар биродарлиги вакиллари халқ орасида жуда машхур эди, уларнинг йўлбошчилари (Халифа Ниёз Қули каби) таълимотни кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этган<sup>28</sup>. XVIII-XIX асрларда кўплаб обрўли диний уламолар кейинчалик Халифа Ниёз Қулининг издошларига айланган.

Худудда дин асосларининг мустақамланишида ўқув муассасалари катта аҳамият касб этган. Хиванинг бир қатор мадрасалари турли миллатдаги юзлаб талабаларни қабул қилган, уларнинг ичида қорақалпоқ талабалари алоҳида ўрин тутган<sup>29</sup>. Айтиш мумкинки, Бухорога ёшлар кўпинча суфий устозларни топиш учун кетган бўлса, Хива мадрасаларида илоҳий ва ҳуқуқий фанларни ўрганган ҳамда ислом билимдони унвонларини (охун ва қози каби) олганлар.

Хива ҳукмдорлари муқаддас зиёратгоҳларни қуриш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор билан қараган. Тадқиқ этилаётган даврда бу худудда машхур бўлган Мазлумхан-Сулу ҳонақоси, Шамун-наби мазори таъмирланган, Султон-бобо, Қошқар-ота мақбаралари ва бошқа иншоотлар қурилган. Хива хонлари ўз сафарларида хонликдаги муқаддас жойларни зиёрат қилган. Масалан, манбаларда Оллоҳқулихон Орол денгизининг жануби-шарқий соҳилларида Қабақли-ота ва Ҳаким-отанинг мазорларини зиёрат қилгани айтилади<sup>30</sup>. Олий ҳукмдор томонидан бундай жойлар муқаддаслигининг “тан олиними” уларнинг ўша худудларда яшовчи қорақалпоқлар учун диний турмуш марказига айланишига таъсир кўрсатган. Қорақалпоғистондаги деярли катта-кичик зиёратгоҳлар атрофида уларнинг Хива хонлари томонидан зиёрат қилинганлиги ёки улар томонидан қурилганлиги, атрофи ободонлаштирилганлиги ва шу каби ҳолатлар тўғрисида ривоятлар мавжуд.

Қорақалпоқ миллатига мансуб кўплаб обрўли диний уламолар ўз худудларидан ташқарида ҳам катта ҳурматга эга бўлган. К.Е.Бендриковнинг ёзишича, қорақалпоқ эшонлари, “Бухоро мадрасаларида таълим олиб, қора қалпоқлари устидан оқ матоларни ўраб, кўчманчи туркман ва қозоқ овулларига борган”<sup>31</sup>.

<sup>28</sup> Масалан шу ишни қаранг: DeWeese Devin. Mapping Khwārazmian ....

<sup>29</sup> Sartori P. On Madrasas, Legitimation... – P.98-134.

<sup>30</sup> Камалов С.К. Каракалпаки в XVIII-XIX вв. – Т.: Фан, 1968. – С.151.

<sup>31</sup> Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане. – М., 1960. – С.32.

Бошқа анъанавий манбаларнинг камлиги сабабли мусулмон зоҳидларининг исмларини, уларнинг қорақалпоқ халқи ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш мақсадида диссертацияда турли материаллардан, асосан, оғзаки гувоҳликлардан фойдаланилди. Бу каби маълумотларнинг ўзига хос “ютуқ”лари ва камчиликлари мавжуд, албатта. Ютуқлар шундаки, агар халқ ўз қаҳрамонларини хотирасида сақласа, демак, ўз даврида уларнинг ижтимоий ва маънавий мавқеи унутилмайдиган даражада муҳрланган. Бундай оғзаки манбалар шажаралардаги исмларни, айрим вақтларда таржимаи ҳоллардаги тафсилотларни авлоддан-авлодга ўтказиб келган. Уларнинг камчилиги эса аён, халқ ижодиёти реаллик, фазо ва вақтдан ташқарида, яъни ундан аниқ саналарни ва ҳоказоларни кутиш кўпинча тўғри эмас. Бу камчиликлар агар оддий герменевтика қоидасига амал қилинса, яъни максимал даражада катта ҳажмдаги маълумотлар: ҳикоянинг асл мазмуни, исмлар ва улар ҳақида бошқа манбалардан маълумот йиғиб солиштирилса, “**синтезлашган таҳлил**” методини қўллаш орқали енгиб ўтиш мумкин.

Шу маънода Мурод шайх (XVIII аср ўрталарида вафот этган), Имом эшон (1836/37 йй. вафот этган.), Суйин эшон (XVIII-XIX асрлар охири), Ой Муҳаммад эшон (XVIII-XIX асрлар охири), Атоулла эшон (1801-1871 йй.), Қутли-хўжа (Қароқум) эшон (XIX), Ешим охун (XIX-бош. XX асрлар), Есим эшон (XVIII-XIX) ва Бесим эшон (XIX), Қуламет охун кабиларнинг исмлари келтирилган. Оғзаки маълумотлардан ташқари, ЎзМА, ёзма (иршад, сфрагистика маълумотлари) маълумотлар ҳам жалб қилинган.

Кўп ҳолларда аксар қорақалпоқ уламоларининг пири-устози сифатида Чаккада (Урганч яқинида) яшаган Муҳаммад Шариф эшон қайд қилинади.

Халқ орасида катта обрў қозонган мусулмон уламолар, уларнинг ўзаро ички муносабатлари, диний уламолар ўртасида рақобат каби масалалар бўйича тадқиқотлар яна давом эттирилиши керак. Шуниси аниқки, уларнинг ҳар бири қорақалпоқлар яшайдиган жойларда таълим ва ибодат марказларига айланган бутун бир мажмуаларга асос солган. Шубҳасиз, бундай марказлар қорақалпоқларнинг маълум уруғлари ва уруғ бўғинлари яшаётган алоҳида географик маконлар учун ўзига хос маънавий ўчоқлари ҳисобланган. Бу орқали уруғ ва қабилалар конгломератининг нафақат географик, балки этник идентиклик параметрлари ҳам белгилаб берилган.

Халқ маънавий (диний) маданиятини ўрганишда диний ҳаёт ва у билан боғлиқ кундалик ёки даврий маросимлар масаласи муҳим бўлиб, бунда зиёрат омил жиддий ўрин тутади. Зиёрат “даврий маросим” сифатида кўриб чиқилганда, йилнинг маълум кунлари зиёратгоҳларда (мозорларда) ўтказиладиган маросимларни назарда тутади. Одатда, улар хос (масалан, ҳафтанинг маълум кунларидаги *зиёрат*), оилавий (ўтганларни хотирлаш учун) ёки жамоавий (масалан, Наврўз, Рамазонгача ёки ундан кейин ва бошқа байрамлар) бўлади. Зиёрат масаласини кўриб чиқишда бу оммавий ҳодисанинг нафақат исломшунослик муаммоларига, балки ижтимоий ва антропологик жиҳатларига мурожаат қилинмоқда. Яъни маросимни амалга оширувчиларнинг ўзлари ўз хатти-ҳаракатларини “мусулмончилик”дан деб билади, чунки улар учун бу маросимлар диний, айнан исломий мазмунга эга

ҳамда қачонлардир ислом оламида катта билимга эга бўлган шахслар (дин уламолари) томонидан “урф-одат” тизимини янада эркинроқ талқинини таклиф қилувчи манбаларнинг маълум бир қисмидан олинган<sup>32</sup>. Бундан ташқари, турли даврларда мусулмон уламолари зиёратчилар учун ўзига хос “йўриқномалар”ни ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланган<sup>33</sup>.

Култ, яъни сиғиниш объекти сифатида авлиё (ёки унинг мозори) ҳам, табиат жисмлари ёки бирон-бир жонсиз нарса бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай “жонсиз нарса” ёки табиий объект шартли равишда тўғридан-тўғри ёки билвосита афсонавий ёки реал авлиё билан боғлиқ бўлиши керак. Тадқиқ этилаётган даврда Султон-бобо, Мазлумхон-Сулду ва Шомун-набийлар каби зиёратгоҳлардан ташқари, Ҳаким ота, Тўқмоқ ота, Қабақли ота, Шибли ота ва бошқа шу каби мазорлар ҳам кўп зиёрат қилинган жойлар бўлганини адабий ва тарихий манбалардан билиш мумкин, бу ҳақда халқ хотирасида кўплаб ривоят ва афсоналар сақланиб қолган.

Зиёрат маросимларини ўтказиш жараёни, “...асрлар давомида бундай маросимнинг консервативлигини назарда тутган”, шунингдек, тадқиқ этилаётган даврнинг қайд этилган манбаларида уларнинг мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, айтиш мумкин урф-одатларнинг замонавий ҳолатини ўрганиш орқали уларни қайта тиклаш этнография фанининг руҳсат этилган усули сифатида қўлланилади. Мазлумхон-Сулду зиёратгоҳидаги зиёрат ва зикр жараёни 1949 йили этнограф Ю.Кнорозов<sup>34</sup> томонидан жуда ёрқин тавсифланган.

Авлиёлар култи қорақалпоқларда тарихий-антропологик ва ижтимоий ҳодиса сифатида кўрилган, мавжуд култ ва маросимларнинг деярли барчаси бугунги кунга қадар у ёки бу даражада сақланган. Асрлар давомида мазорларда авлиёлар ҳаётига доир турли ривоятлар айтиб келинмоқда. Демак, қорақалпоқ халқи хотираси ва маънавий ҳаётининг бу қисмига чексиз бағрикенглик, конформизм ва тинчликсеварлик тусини берган мазорлар ва зиёрат маросимларининг ижтимоий-маънавий вазифаси ўз мазмунини (маданиятшунослик жиҳатдан) сақлаб қолмоқда.

Диссертациянинг **“Оролбўйининг айрим ёзма ёдгорликлари ҳақида: адабиёт, оғзаки ижод, ҳужжатлар”** деб номланган учинчи бобида тадқиқ этилаётган даврга оид Қорақалпоғистонда сақланган ва аниқланган ёзма ёдгорликлар (китоблар, кўлёмалар), фольклор манбалари ва адабий асарлар (Ажинияз, Бардах, Исҳақ Мулла)да келтирилган мусулмон мотивлари, қорақалпоқ халқи диний ҳаётининг турли жабҳалари ҳақида гувоҳлик берувчи архив ҳужжатлари ўрганилган. Қолаверса, муштамлака ҳукумати билан диний уламолар ўртасидаги мактублар ҳам тадқиққа тортилган. Ёзма манбалар (араб ёзувидаги)ни тўплаш ва ўрганиш бўйича бажарилган ишларга қарамай, қорақалпоқ халқининг китоб мероси мавзуси, айниқса, унинг турли жанр ва йўналишларидан (шеърят, дoston-қиссалар, мақоллар ва бошқалар) қатъи назар, деярли барча адабий ёки оғзаки ижод асарларидаги диний мазмун тўлиқ ўрганилмай қолмоқда.

<sup>32</sup> Большаков О.Г. Суеверия и мошенничеств в Багдаде XI-XIII вв // Ислам. Религия, общество, государство (отв. ред. П.А.Грязневич, С.М. Прозоров). – М.: Восточная литература, 1984. – С.144-148.

<sup>33</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство... – 643-б.

<sup>34</sup> Кнорозов Ю.В. Шаманский зикр в подземельях Мазлумхан-Сулду // Этнографическое обозрение, 1994. №6. – С.91-96.

Достонлар ва халқ ривоятларининг муаллифлари илоҳиётчи бўлмаса-да, уларнинг ижодий ишларида диний мазмун ўзига хос намоён бўлади, бу асарлар оддий одамлар шахсий ахлоқий тушунчаларининг шаклланишига фаол таъсир этади. Бу каби хулосалардан келиб чиқиб, ёзма ёдгорликлар тарихий ва маданий мероснинг бир қисми сифатида кўриб чиқилди. Бу шеъррий асарларга ҳам тааллуқли, чунки уларнинг маънавият ва диндорлик даражаларини шакллантиришдаги аҳамиятига муносиб баҳо берилиши керак.

Халқ хотирасида, мадрасалар кутубхоналарида ва шахсий тўпламларда китоблар кўп бўлганлиги тўғрисида қайдлар мавжуд. Худуддаги энг йирик кутубхоналардан бири Қорақум эшонлари мадрасаси қошида бўлган. Диссертацияда қорақалпоқ халқининг ёзма (китобий) ёдгорликлари бўйича академик Х.Ҳамидовнинг маълумотларидан фойдаланилган<sup>35</sup>. Турли фондларнинг<sup>36</sup> ёзма манбалар каталогларининг тайёрланиши ва нашр этила бошланганлиги тадқиқотда жуда қўл келди.

Китоб (ёзма) меросига оид тўлиқ бўлмаган, бироқ жуда муҳим маълумотлар сайёҳатчиларнинг қайдномаларида мавжуд<sup>37</sup>. Қорақалпоқ овуллари бўйлаб Вамбери Мулла Исҳоқ билан бирга саёҳат қилиб, ўзи билан бирга қўлёзмалар, шу жумладан, ўша даврда кенг тарқалган “Юсуф ва Аҳмад” шеърларини олиб кетганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд<sup>38</sup>.

Адабиёт ва дала тадқиқотлари шуни кўрсатдики, XIX асрда мактаб ва мадрасаларда “Қозонда тошбосма шаклида чоп этилган Ҳафтияк ва Куръон, Ҳиндистон ва форс шоирларининг литографик тўпламлари тарқала бошлади”<sup>39</sup>. Мулла Исҳоқ ўз асарларида Вамбери ўзи билан катта миқдорда китобларнинг олиб кетганлиги китоб маҳсулотларини оммалашганлигидан далолат беради (бу китоблар масжид ва мадраса кутубхоналаридан олинган эмас, чунки улар вақф мулкнинг бир қисми бўлган). Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой каби шаҳарларда XIX асрда китоб бозорлари бўлганлигини инкор этиб бўлмайди. Ҳофиз Шерозий, Бедил ва бошқаларнинг асарлари кўп миқдорда сақлангани тадқиқ этилаётган давр маданий муҳитини баҳолашда жиддий далил бўла олади. Қолаверса, бу манбалар зиёлилар табақаси бир вақтнинг ўзида умуммусулмон насрий меросига, эҳтимол, унинг мистик йўналишини эгаллашга қизиқа бошлаганини таъкидлашга асос беради.

Афсуски, аксарият китоб ва қўлёзмаларнинг анчаси илк совет йилларида – жанговар атеизм ҳукмронлиги даврида изсиз йўқолди. Жазо олишдан қўрқиш туфайли араб ёзувидаги китоб ва қўлёзма эгалари “эски замонлар

<sup>35</sup> Хамидий Х. Шығыс тиллериндеги жазба дереклер хэм XIX әсир қарақалпақ шайырлары. – Нөкис, 1991. – 212 б.; ўша муаллиф: Рукописное наследие Бердаха. – Нукус, 1995. – 184 с.

<sup>36</sup> Отчет о научно-исследовательской работе «Подготовка к изданию каталога Фонда восточных рукописей и литографий Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан» (заключительный). – Нукус, 2011. 41 с. /Текущий архив ККНИИГН ККОАНРУз; Muminov A., Szuppe M., Idrisov A., Ziyodov Sh. Manuscripts en écriture arabe du Musée régional de Nukus. – Roma. 2007. – 282 pp.

<sup>37</sup> Риза-кули-Мирза. Там же... – С.483.

<sup>38</sup> Камалов С. Вамбери қарақалпақлар туўралы. – Нөкис.1995. – С.26.

<sup>39</sup> История Хорезма. С древнейших времен до наших дней. – Т.: Фан, 1976. – С.144; Болтабоев С. Чоризм ҳукмронлиги. – Т., 2005. – С.37; Материалы историко-этнографического отряда Каракалпакского института экономики и культуры АН УзССР под руководством канд. ист. н. Шалекенова У.Х. – Нукус, 1956. Полевые записи №14. Информатор Арысланов Сапарбай. 1907 г.р. – С.26 / Фундаментальная библиотека ККОАНРУз.

меросидан” қутулишга мажбур бўлган. Юзлаб китоб ва қўлёзмалар мазорларга олиб борилиб, қабрлар ичига тахланган, вақт ўтиши билан изсиз йўқолган. Топилган ёзма материаллар шартли равишда: мактаб ва мадрасаларнинг таълим дастурига тааллуқли китоблар (босма ва қўлёзма)га; адабий асарлар ва турли фан соҳаларига доир нашрлар (ахлоқ, тиббиёт, фармакология асослари ва ҳ.к.)га ажратилган. Асосий қисми биринчи гуруҳ китоблари ташкил этади.

Китоблар коллекцияларининг аксарияти хусусий шахсларга тегишли бўлганлигини ва китобларнинг оммавий тарзда тарқалганлигини ҳисобга олиб, ушбу китоблар эгаларининг қизиқишлари ва маънавий талаблари қатъий равишда диний китоблар чегарасидан чиққанлигини тахмин қилиш мумкин. Адабиёт – уларни мутолаа қилувчиларнинг даражаси, уларнинг маънавий ва маданий талабларининг хилма-хиллигини кўрсатувчи белги сифатида қабул қилиниши керак. Қорақалпоқларда тадқиқ этилаётган даврда мустақкам маънавий ва маданий муҳит, китобхон зиёлилар барқарор қатлами шаклланган бўлиб, адабиётга қатъий талаб қўйилган. Мумтоз мусулмон тўпламларига киритилган асарларнинг кўплиги, зиёлиларнинг умуммусулмон кадриятларини юксак даражада ўзлаштирганликларидан гувоҳлик беради. Албатта, уларни идрок этиш интеллектуал тайёргарликни талаб қилгани, ушбу асарлар муаллифларининг мавқеи ва мураккаб ижоди мазкур насрий меросни мутолаа қилувчилар доираси унча катта бўлмаганлигидан ҳам гувоҳлик беради.

XIX асрда А.Хорошхин қуйидагича ёзган: “Ўрта Осиё – бу ҳар қандай даражадаги барча мусулмон авлиёлари ҳақидаги илоҳий ривоятларнинг битмас булоғидир...”<sup>40</sup>. Мазкур фикр қорақалпоқларга ҳам тегишли, чунки айнан улар даштнинг “биринчи ривоятчилари” сифатида қайд этилган. Бугунги авлод бой фольклор меросига эга, буни 100 жылдик “Қорақалпоқ фольклори” (Нукус, 2007-2015) тасдиқлайди.

Ривоятларда ижтимоий ва маданий мазмундаги жамоавий хотира мужассам бўлган. Ривоятларнинг турли жанрларида диний мотивларни аниқлаш мақсадида тадқиқ этилган. Масалан, Г.П.Снесарев “Чильпык” ва “Ток тау” (Нукус тумани) меъморий ёдгорликлари билан боғлиқ Хўжа Мулк ҳақидаги ривоят ва ҳикояларда унинг “мусулмонлашган” қаҳрамон сифатида тавсифланишини кўриб чиққан<sup>41</sup>. Ушбу “алоқа” сунъий эканлиги хулоса қилинган.

Биз қорақалпоқ жамоавий хотирасида бу манбанинг мазмуни, асосий урғу берилган жиҳатлари ва сюжетларининг кечишини ўзгартиришга ўз вақтида ислом жиддий таъсир кўрсатганлигини ҳисобга олиб, фольклор ва адабий асарларда ислом мотивларини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг бошқача усулини танладик. Агар айрим ривоят ва ҳикоялар аниқ диний давомчиларга бағишланган бўлса, бошқалари умуммусулмон, яъни

<sup>40</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С.438; Абашин С.Н. Семь святых братьев / Подвижники ислама. Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М.: Восточная литература, 2003. – С.18.

<sup>41</sup> Снесарев Г.П. Под небом Хорезма. Этнографические очерки. Люди и духи. – М., 1973. – С.27.

“маҳаллийлашган” авлиёлар ҳаётига оид. Баъзан эса ҳадислар ва бошқа манбалардан машҳур ривоятларни шунчаки қайта такрорланишини кўриш мумин. “Аниқ бир давомчиларга” бағишланган ривоят ва ҳикояларда кўпинча “умуммусулмон” кўчма сюжетлар (масалан, туя билан боғлиқ) учрайди. Кенг тарқалган ва “маҳаллийлашган” умуммусулмон тимсолларидан бири бу – тўртинчи ҳалифа Али<sup>42</sup> бўлиб, унинг исми “қипчоқ” қабиласининг келиб чиқишини исломийлаштириш ёки Қоратоғ (Қорақалпоғистон жануби) тоғ тизмаси билан боғланади<sup>43</sup>. Қорақалпоқ афсона ва ривоятларининг бир қисми суфийлик билан боғлиқ. Агар айримлари “мусофир” (Султон-Увайс, аш-Шибли ва бошқа) шахслар билан боғлиқ бўлса, айримлари маҳаллий шахслар – ҳақиқий ёки сохта ўқувчи-муршидлардир (Ҳоким ота, Есеке охун каби).

Достонлар – йирик фольклор асари бўлиб, ислом мотивлари билан йўғрилган: қаҳрамоннинг ўзини мусулмон (муслим) деб англаши билан бошланиб, азиз авлиёлар тимсоли ва қаҳрамоннинг Аллоҳга илтижоси ҳамда шариат талабларини бажариш билан яқунланади. Баҳодирлар исломдан куч олиб душманни енгади ёки ўз дўстига айлантиради. Бу ерда кўпинча бошқа “исломий нақорат”лар ҳам учрайди. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, мазмун-моҳияти, жумлалар ва кўплаб бошқа тафсилотлар муаллифлар (ривоятчилар) исломга қанчалик муҳим аҳамият берганини кўрсатади. Барча ҳикоя ва эпизодларда бош қаҳрамон ўзида диний (салбий қаҳрамонларда эса динга қарши) сабаблар ва глобал мотивацияларни мужассам қилади. Достонларнинг кўриб чиқилган намуналари том маънода “ислом руҳи” билан йўғрилган, мазкур асарлар (Алпомиш, Ер Шора – вариантлар сонига буни кўрсатмоқда)нинг машҳурлиги эса ушбу адабий соддалаштирилган ва тўла бадий диний-ғоявий йўналиш қорақалпоқлар маънавий ҳаёти исломга чуқур мойиллигидан дарак беради. Қолаверса, қорақалпоқларнинг исломлашувида, уларда “мусулмончилик”нинг шаклланишида ёки ислом маънавиятини сингдиришда ҳақиқий меъёрий диний матнлардан кўра, айнан фольклор ҳал қилувчи омил бўлган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқлар орасида ислом динининг тарқалишида фольклор ва ёзма адабиётнинг тутган ўрнига ортиқча баҳо бериш қийин. Дин шоирлар ижодига ўз таъсирини ўтказмаслиги мумкин эмасди, шу сабабли уларнинг ижодидан ўзларини чин мусулмон деб англашилиб туради: «Зийўар айтар, ҳақ ҳамирине бол қайыл»<sup>44</sup> (Зивар айтмоқда – Аллоҳ тақдирига рози бўл, Ажинияз), «Бердимурат ҳақның қулы»<sup>45</sup> (Аллоҳ қули Бердимурат, Бердах» ва бошқалар).

Диний ахлоқ меъёрлари, Аллоҳдан кўрқиш мавзулари шоирларнинг деярли барча асарларида учрайди. Мулла Исҳоқ эса янада қизиқарли мавзу – авлиёлар сиймосини танқид қилишга мурожаат этган. Бу мавзу Марказий Осиё илоҳиётчи-ислоҳотчилар орасида XIX аср охири XX аср бошларида

<sup>42</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көптомлык. Т.79. – Нукус, 2014. – 160-б.

<sup>43</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көптомлык. Т.81. – Нукус, 2014. – 240-б.

<sup>44</sup> Эжинияз. Шығармалар топламы. – Нөкис, 2014. – С.55.

<sup>45</sup> Бердах. Шығармалар топламы, 2018. – Б.336.

жуда долзарб бўлган.<sup>46</sup> Мулла Исҳоқ рационализи Вамбери таъсирида шаклланган бўлиб, у қабр билан боғлиқ барча ибодатлар ва тиланишларни кескин танқид қилади<sup>47</sup>. Шоирлар ижодида ислом динининг нафақат маънавий-ахлоқий жиҳатлари, балки обрўли диний уламолар, авлиёлар, ўша даврга хос муқаддас жойлар номларини ҳам учратиш мумкин<sup>48</sup>. Бошқача айтганда, шоирларнинг асарларида тарихий воқелик, улар яшаган давр тарихий шароити, улар туғилиб ўсган моддий ва маънавий дунё акс этган.

Достон қаҳрамонларининг юксак одоб-ахлоқини, оддий мусулмонлар орасида уларни қабул қилинишини маънавиятнинг муҳим белгилари сифатида қабул қилиш мумкин. Бироқ улар қорақалпоқлар орасида исломни виртуал ва қатъий ахлоқий баҳоланишига олиб келмаслиги керак. Диний ҳаётнинг “низоли” жиҳатлари ҳам ёзма ҳужжатларда акс топган, улардан бирига ҳатто мустамлака ҳукумати аралашган, айти ҳодиса архив ҳужжатлари сақоаниб қолган.

Тан олиш керакки, қорақалпоқларда таълимнинг ва ахлоқий қоидаларнинг шаклланишида қачонлардир ижобий рол ўйнаган мактаб ва мадрасалар аста-секинлик билан таълимни турғун ҳолатда қотиб қолишига олиб келди. Мустамлакачилик сиёсати ва “кофирларнинг таъсири”дан қўрқилиб, таълим тизимининг янада консервативлашиши, ўз қобилига ўралиб қолишини кучайтирди. Буни маҳаллий ислохотчилар (яъни жадидлар ва бошқалар) эътироф этган ва мавжуд таълим тизимининг ўта консервативлигини англаган ҳолда, бизга яхши маълум бўлган ўз ислохот вариантларини таклиф этган<sup>49</sup>.

Эшонлар сони кўпайган сари етакчилик мавқеи учун рақобат ҳам кучайган, хусусан, бир оила вакилларининг ичида ҳам вақф мулкларини бошқариш, аждодининг “мозори кўриқловчиси” мақоми ва ҳоказолар учун тортишувлар бўлган. Низолар оқибатида айрим эшонлар “алоҳида ажралиб”, ўз аждодлари томонидан яратилган маросимий-ўқув марказларини тарк этган. Бундай низолар иштирокчиларидан бири чимбойлик Абдужамил Эшон ибн Жумакул Эшон бўлган. Унинг тарихига оид дала тадқиқотлари ахборотлари архив ҳужжатлари маълумотлари билан тасдиқланади. Келиб чиққан низода Чимбой уламолари орасида юқори мавқега эга бўлиш учун бўлган рақобат туфайли улар Абдужамил Эшон ибн Жумакул Эшонни шариатни нотўғри талқин қилишда айблаган. Уламоларнинг узок “таъқибидан” сўнг эшон мажбуран (ёки ҳукуматдаги обрўсидан фойдаланиб) Аму-Дарё бўлимига вазиятни ҳал қилишда ёрдам беришларини сўраб, ёзма мурожаат қилган. Узок муддатли ёзишмалар ва ўзаро айбловлар самара бермаган, мустамлакачи ҳукумат эса низога аралашмаган, ҳеч қайси томоннинг шикоятини қўллаб-қувватламаган. Бундан П.Сарторининг фикри тасдиғини кўриш мумкин, яъни империя мусулмонлари империянинг қоидалари,

<sup>46</sup> См. Бабаджанов Б., Сартори П. У истоков советского дискурса дискурса о “Хорошем исламе” в советской Центральной Азии // *Ab imperio*, Казань. 3/2018. С.1-37.

<sup>47</sup> Мулла Исҳоқ. Фарзанд. Асарлари / Карлибаев М. ўй архиви.

<sup>48</sup> Мулла Исҳоқ. Жайхун. Асарлари / Карлибаев М. ўй архиви.

<sup>49</sup> Алимова Д.А. Единство просвещения, знания и этики поведения // *O'zbekiston tarixi*, 1999. №2. – С.3-4.

маъмурий ва ҳуқуқий институтларини манипуляция қилишни ўрганди<sup>50</sup>. Кўрилган низодаги манфаатлар қутбланишини, Чимбой эшонларининг консерватив нуқтаи назарини ва Абдужамил эшоннинг замонавийлашишга (ислохотларга) мойиллигини кўрсатади. У нафақат мустамлака маъмуриятининг “янгиликлари”дан ўзини олиб қочмаган, балки замонавийлашув жараёнида иштирок этишни истаб, янги усулдаги мактабларнинг таълим жараёнига киришган, афтидан, мусулмон оилалардан бўлган ўқувчиларнинг ўзликларини (идентиклигини) сақланиб қолишларига таъсир кўрсатмоқчи бўлган.

Диссертациянинг **“Қорақалпоқларда ислом меъморчилиги”** номли тўртинчи бобида ислом меъморчилиги ёдгорликлари ўрганилган, асосан, институционал аҳамиятга эга иншоотлар (масжидлар, мадрасалар), шунингдек, қабр усти архитектураси – мозорларга диққат қаратилган. Қорақалпоғистон ҳудудида ўрганилаётган даврга мансуб бор-йўғи бир неча қадимий масжид сақланиб қолган. Реал ҳолатни тўлиқ тасаввур қилиш учун ишда ёзма (архив, адабий) ва оғзаки манбалардан фойдаланилди.

Статистик маълумотлар таққослаб кўрилганда, рақамларда тафовутлар, айрим жойларда жиддий фарқлар кўзга ташланди. Агар бир ҳужжатда Амударё бўлимининг Чимбой ҳудудида 1898-1899 йилларда 300 дан (асосан, пахсадан) кўпроқ масжид ҳисобда турган бўлса, 1900 йилга доир ҳужжатда масжидлар сони 619 та деб қайд этилган. Рақамлардаги ана шундай тафовутларга қарамай, бу даврда масжидлар сони сезиларли кўпайганлигини тасдиқлашга асос бор. Масжидлар тўғрисидаги маълумотлар Г.Данилевский, А.Кун, А.Каульбарс, Ризо-Қули-Мирзо<sup>51</sup> ишларида учрайди. Уларнинг тавсифича, Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой ва бошқа жойларда масжидлар шаҳар инфратузилмасининг бошқа “таркибий” қисмларига, яъни савдо қаторлари, майдонлар ва ҳоказоларга “боғланган”. Адабиётлар ва архив ҳужжатларида келтирилишича, Хива хонлиги билан мураккаб муносабатлар, табиий офатлар аҳолини қулай ҳудудларга кўчиб боришга мажбур қилган. Бироқ ҳар қандай кўчиш, масжидлар ва ҳатто “мактаблар” (А.Кун мадрасаларни шундай деб атайди) қурилиши билан бўлган. Шу билан бирга, масжидлар сони кўпайиб борган.

Масжидларнинг қандай қурилгани, қандай кўринишда бўлгани ҳақида маълумотлар сақланмаган. Жуда кам сонли маълумотлар асосида тахмин қилиш мумкинки, масжидлар бинолари атрофдаги иншоотлар массасидан (айниқса, маҳалла ва овул масжидлари) фарқ қилмаган. Улар пахсадан тўртбурчак шаклда қурилган. Бундай анъанавий меъморчилик шаклиларидан фарқли равишда, қорақалпоқларда масжидлар ҳам, мадрасалар ҳам киришда портал қисмига эга бўлмаган. Бинога оддий эшик орқали, аксарият ҳолатларда шарқий томондан кирилган. Мисол тариқасида XX асрнинг 20 йилларида А.Мелков томонидан олинган фотосуратни келтириш мумкин, унда Бексиик овулидаги масжид тавсифланган. Масжид квадрат кўринишда.

---

<sup>50</sup> Sartori P. Visions of Justice. Sharī'a and Cultural Change in Russian Central Asia // Handbook of Oriental Studies Handbuch der Orientalistik Section Eight Uralic and Central Asian Studies. Ed. by Nicola Di Cosmo Volume 24. Brill. Leiden. Boston. 2016. P.4, 22-24 ва кейинги.

<sup>51</sup> Муаллифларнинг юқорида қайд этилган ишларида қаранг.

Жануби-ғарбий (қибла) томонида айвон ва меҳроб (меҳробхона) жойлашган. Масжидга айвон орқали кирилган. Ичкаридан шифтни бир ёғоч устун, агар масжид катта бўлса, бир нечта устунлар тираб турган. Масжид деворлари – пахсадан қурилган. Девор асоси анча кенг бўлиб, юқорига қараб торайиб борган (пахса биноларни қуришда, бугунгача фойдаланилаётган усул ҳисобланади). Камдан-кам ҳолатларда масжидлар (Қўнғиротдаги Елмурат охуннинг масжиди<sup>52</sup>) пишиқ ғиштдан қурилган.

Кичик масжидларнинг кўплиги (статистикага кўра) айнан улар маҳаллий жамият диний ҳаётининг асосини ташкил этганлигидан далолатдир. Ундан ташқари, аҳоли яшаш масканлари орасидаги катта масофа ҳам жума намозларини кичик масжидларда ўқишга ундаган. Қолаверса, масжидлар қошида, албатта, мактаблар, айримлари ҳузурида мадрасалар ҳам ташкил этилган. Айрим масжидлар маҳаллий қозилар учун фуқаролар орасидаги тортишув ва жанжалларни ҳал қилувчи маскан сифатида хизмат қилган. Буларнинг барчаси қорақалпоқлар учун масжидлар кўп вазифаларни бажарганини кўрсатади. Яна мазорлар ҳузуридаги масжидлар зикр тушиш учун хонақо сифатида ҳам фойдаланилгани унинг вазифалари хилма-хиллигини кўрсатади.

1875 йилда Ризо-Қули-Мирзонинг қайд этишича, Чимбой шаҳрида иккита таълим маскани (мадраса – К.М.)<sup>53</sup> фаолият юритган. Архив маълумотларига кўра, мадрасалар нафақат шаҳар, балки каттароқ қишлоқларда ҳам бўлган, у ерда ўқитувчилар (мударрислар) хон томонидан бўлмаса-да, баъзан ҳамжамиятларнинг оқсоқоллари томонидан тайинланган. Диссертацияда уларнинг баъзилари, яна биноларининг тўлиқ ёки қисман сақланиб қолганлари тавсифланган. Булар Ходжинияз-бий, Қарақум эшон, Абдукарим охун, Қуламет охун, Эшон қалъа, Сўйин эшон, Абукарим охун, Хон масжиди, Ой Муҳаммад Эшоннинг Ақжагысдаги “Беш масжиди” кабилардир. Улардан бири Ходжиниёз-бийнинг мадрасаси ёки “Тош мадраса”си бўлиб, бошқа масжидлардан фарқ қилувчи қурилиш ашёларидан (пишиқ ғиштдан) фойдаланилган, шунингдек, меъморчилиги ҳам ўзига хос – иншоот икки қаватли гумбазли бўлган. Қолган мадрасаларнинг деярли барчаси пахсадан қурилган, тўртбурчак шаклда, жануби-ғарбий томондан меҳробхона, шимол томонида айвон ва ҳовли жойлашган, айланасига талабалар учун хужралар, машғулотлар учун синфхоналар ва кутубхонаси бўлган. Мадрасаларнинг фаолият юритиши, масжидлар каби, вақф мулкидан олинган даромадлар (ер майдонлари, мазорлар ва ҳ.к.) ҳисобига амалга оширилган. Агар бир қатор мадрасалар аввалги олимлар (археологлар, этнографлар) томонидан ўрганилган бўлса, айримлари муаллиф томонидан илк бора тадқиқ этилди. Диссертацияда фотосуратлар билан бир қаторда, биноларнинг чизма-режалари келтириб ўтилди.

Мадрасаларнинг аксарият таъсисчилари диний уламоларнинг авлодлари бўлган. Мадрасаларнинг асосий қисми шаҳар ёки катта қишлоқларнинг савдо

<sup>52</sup> Есбергенов Х. Қоңырат... – С.75.

<sup>53</sup> Риза-Кули-Мирза. Краткий очерк ... – С.37.

марказларида жойлашган ва ҳар вақт савдо нуқталарга яқин бўлган.

Диний хусусиятга эга меъморчилик ишоотлардан яна бири мозорлар ҳисобланади. Улар тор доирадаги зиёрат билан боғлиқ. Ўрганилаётган даврнинг ёзма манбаларида қорақалпоқ мозорлари бўйича маълумотлар ниҳоятда кам. Бундан ташқари, мозорларнинг аксарияти “полиэтник” хусусиятли. Яна бир бор XIX аср охири – XX аср бошлари (Сирдарё вилоятининг Амударё бўлими бўйича) мустамлакачилик маъмуриятининг статистик маълумотларига асосланамиз. 1908-1909 йилларга доир архив ҳужжатларида, мозорлар, хусусан, Амударё бўлими бўйича рўйхатлар келтирилган. Рўйхатларда машҳур мозорларнинг номлари учрайди: Султон-Увайс бобо, Наринжон-бобо, Мискин-Сайид-бобо, Кусхана-ота, Умар Хўжа, Аллаберди Азиз-бобо, Бойчамбар-қизи (Пайғамбар-қизи – КМ), Шоршали-бобо, Қорақум ва бошқалар (барчаси 84 мозор)<sup>54</sup>. Мозорлар номи кўпинча эпонимлар, афсонавий ва реал тарихий шахслар номлари билан боғланган. Бошқалари эса мозор жойлашган ҳудуд ёки уруғлар номлари билан алоқадор. Ноёб мозорларнинг этимологиясига ҳали аниқлик киритилмаган.

Айрим олимлар қабр усти ишоотларини функционал вазифаларга қараб таснифлайди: ижтимоий-культли, ёдгорлик-культли ва қабр усти ишоотларнинг кичик шакллари<sup>55</sup>. Қорақалпоқларда қабр усти ишоотларнинг қуйидаги шартли шакллари ажратилади: 1. Жингил (уйшиқ; новдалардан кулба шаклидаги тузилиш<sup>56</sup>). 2. Пахсали тўсиқлар. 3. Гумбаз – гумбазли мақбара/мақбара. 4. Сағана (катта бўлмаган ердаги учқир мажмуа)<sup>57</sup>. Катта қисмида уйшиқ, ҳамда турли шакл ва ҳажмдаги тўсиқлар ташкил этади. Асосан, мозорлар пахса девордан ёки хом ғиштдан қурилган. Пишиқ ғиштдан қурилган мозорлар кам. Мақбараларнинг пайдо бўлиши обрўли арабларнинг қабр устига чодир қуриб, унда маълум муддат яшаш анъанасига билан боғланади. Ушбу чодир вақт ўтиши билан ибодат уйи ва мақбарага айланиб, “қубба”<sup>58</sup> номини сақлаб қолган. Энг кўзга кўринганлари (маҳаллий диний-мақбара меъморчилиги анъаналари тимсоли сифатида – пештоқли, зинали, “учқир” гумбазли мақбара) гумбазлар Мурат шайх, Қошқар-ата, Охун-бобо ва бошқаларга тегишли.

Мозорларни тадқиқ этиш ва кузатиш натижалари мозорларнинг кўп функциялигини, ўзида турли диний объектларни бирлаштирганлигини, маънавий, диний-маросим, культ ва дафн маросимининг рамзий боғланган институтларини мужассам этганлигини тасдиқлайди.

